*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 29—30 (2566—2567)
1993 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## Байрамингиз муборак!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати, раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан республика ёнғиндан муҳофаза қилиш идоралари ходимларини, барча фахрийларини касб байрамларининг 75 йиллиги муносабати билан чин қалбдан табриклайман.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозимки, улар ҳамжиҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, мол-мулкини, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Аминмизки, бундан кейин ҳам сизлар ўз олдингизга турган вазифаларни муваффақият билан бажариб, мустақил республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссаларингизни қўшаверасизлар.

Сизларга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, халқимизнинг тинчлигини, осойишталигини таъминлаш йўлида олиб бораётган хайрли ва машаққатли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**З. АЛМАТОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти.**

**(Ўт ўчирувчилар хизматига доир материаллар билан газетамизнинг 2—3-саҳифаларида танишишингиз мумкин).**

## Икки жума оралиғида

### БОСҚИНЧИ ЯРАЛАНДИ

Ҳеч қаерда ишламайдиган А. шериги билан Қибрай туманидаги 17-дўкон сотувчиси А. Тўрақуловнинг уйига кириб, унга пичоқ ўқталган ҳолда 400 минг сўм пул талаб қилди. А. Тўрақулов ўзини ҳимоя қилиш мақсадида 20 калибрли қўшотар ов милтиғи билан А. Габрилянни отиб, қўлидан ярадорлади. Текшириш жараёнида ов милтиғи А. Тўрақуловда қонуний сақланаётганлиги маълум бўлди.

### ДОМЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ...

Ўрта Чирчиқ туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси 1969 йилда туғилган Аҳмад Ангрен шаҳрининг Мустақиллик кўчасида жойлашган 3-воситачи дўконда сотувчи Б. Содиқовга 16 калибрли қирқилган ов милтиғини ўқталиб, дўконга қарашли 150 минг сўмлик буюмларни олиб кетган.

Қидирув эълон қилинган.

### "ҚОРА БОШЛИ" ОДАМ

Тошкент тумани Ҳасанбой жамоа хўжалигидаги амбулатория ҳамшираси М. Иброҳимованинг уйига аёллар пайпоғини бошига кийиб бир шахс пайдо бўлди. Унинг юзи аниқ кўринмасди. У пичоқ ўқталиб, 13 минг сўм пулни зўрлаб олиб кетди. 1974 йилда туғилган бу "қора бошли" одам терговда.

### НОМУС КУШАНДАЛАРИ

Чирчиқ шаҳридаги ғишт заводида ишчи бўлиб ишлайдиган, 1961 йилда туғилган С. исмли шахс ҳали балоғатга етмаган, 1989 йилда туғилган қизалоққа нисбатан уятсиз ҳаракатлар қилиб, номусига тегишга тажовуз қилган.

***

Бекобод тумани Ленин номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 1964 йилда туғилган қизнинг номусига Йўлчи исмли йигит куч ишлатиб тажовуз қилди. Тергов кетмоқда.

### ҚОРАДОРИ ШИНАВАНДАЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманида Хўжанд автокорхонасига қарашли автоулов ҳайдовчиси Т. дан 10 грамм, ҳеч қаерда ишламайдиган Ж.дан 17 грамм ва "Наргиз" дўкони қоровули А.дан 5 килограмм миқдорда қора дори тортиб олинди.

### ЯНА БИР БОСҚИН

Тўрт номаълум шахс Чирчиқ шаҳридаги Ленин кўчасида жойлашган 146-дўконга кириб, сотувчи С. Илёсовага совуқ қурол ўқталиб, 100 минг сўмлик буюмларни олиб кетганлар.

Тергов кетмоқда.

### ИШОНЧЛИ "ДЎСТ"

Уйчи тумани, Уйчи қишлоғида яшовчи Н. Абдуқаҳҳоровнинг аризасига кўра бир номаълум шахс унинг ишончини қозониб, қалин дўст тутиниб, 10 минг сўм пулини олиб ғойиб бўлган экан. Милиция ходимлари томонидан қидирув ишлари олиб борилганда, бу фирибгар Уйчи ипийигириш фабрикаси ишчиси эканлиги аниқланди.

### "РЕКОРД" ИШҚИБОЗИ

Наманган шаҳар, Янгиариқ кўчасида яшовчи Қ. Тоҳировнинг уйидан телевизор йўқолган. Қидирувлар натижасида "Рекорд" нусхали телевизор топилди. "Рекорд" ишқибози эса Косонсой тумани фуқароси Аҳмаджон экан.

Ҳозир у ўғирлаган "Рекорд"и учун жавоб бермоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ матбуот маркази.**

## ТЕРГОВ ХИЗМАТИГА — 30 ЙИЛ





Республика Ички ишлар вазирлигининг клубида ички ишлар идораларида тергов хизмати ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан катта йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ИИВ, Тошкент шаҳри ИИББ ва вилояти ИИБ тергов хизмати ходимлари қатнашишди. Шунингдек, йиғилишда республика прокуратураси вакиллари, тергов хизматининг фахрийлари иштирок этишди.

Йиғилишни вазир муовини, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров очди ва тергов ходимларига ички ишлар вазирининг табригини етказди.

ИИВ Тергов бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Қ. Бурхонов ўз нутқида тергов хизматининг ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўли, қилинган ишлар ва режалар хусусида батафсил тўхталди.

Йиғилганлар бир дақиқа сукут сақлаб, бу кунгача етиб келолмаган тергов ходимларини ёдлашди.

Йиғилишда ИИВ Тергов бошқармасига раҳбарлик қилган, ҳозирда нафақада бўлган А. Аминов, А. Голубенко, Н. Иброҳимовлар ўзлари босиб ўтган йўллар, хотиралар хусусида ўртоқлашишди.

Тажрибали ҳуқуқшунос И. Усмонов эса терговнинг кеча ва бугуни хусусида сўзлади.

ИИВ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлим бошлиғи, милиция майори Ў. Жўраев вазирнинг хизматда яхши кўрсаткичларга эришган тергов ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг вазир муовини И. Мамадалиев фахрийларга совғалар топширди.

Йиғилиш сўнгида йиғилганларга атаб байрам концерти уюштирилди. Унда "Ялла" дастаси хизматда бўлди.

**И. САИДОВ.**

**Суратларда:** байрам йиғилишидан лавҳалар.

## Ашаддий

Самарқанд станциясидаги ички ишлар темирйўл бўлимининг милиция майори Н. Халилов, милиция капитани Р. Сафаров, милиция сержантлари Х. Ғуломалиев ва Р. Садриевлардан иборат тезкор гуруҳи тезкор тадбирларни ўтказиш пайтида одатдаги йўловчилардан ажралиб турган бир йўловчини тўхтатдилар.

Шимолий кавказлик Саломбек Алдабиров Волгоград — Тошкент поездида ўзининг қўлбола халтасида 1990 йилда ишлаб чиқарилган, учта ўқдони, 90 та патрони бўлган автомат ўқотар қурол, запаллари билан бирга 6 та граната, хорижда ясалган ғилофли пичоқ ва 60 минг сўм пул олиб кетаётган экан.

Алдабиров қурол ва ўқ-дориларни Фарғонагача олиб боришини илтимос қилиб, поездда беришганини айтди.

Самарқанд транспорт прокуратураси ана шу факт бўйича жиноий иш қўзғатди.

**С. ЗОҲИДОВ,**

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги ИИБнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича хизматининг катта инспектори, милиция майори.**

## Қонун — ҳуқуқий давлатнинг ҳимояси ва қуролидир!

*Мана шундай шиор остида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент ўрта махсус милиция мактабида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

*Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга қарши кураш, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга доир кўрсатмаларини амалга оширишда республика ички ишлар идоралари хизматлари ва бўлинмаларининг иштирок этиши муаммоларига бағишланди.*

*Анжуманни ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, Тошкент ўрта махсус милиция мактабининг бошлиғи, милиция полковниги Ўткир Пўлатович Пўлатов кириш сўзи билан очди. У ҳозирги кунда республикамиздаги оператив вазият ҳақида қисқача тўхталди.*

*Анжуман давомида таклиф этилган меҳмонлар, жумладан Республика ИИВ Олий мактабининг "Жиноий ҳуқуқ ва жиноий жараён" кафедраси бошлиғининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди А. И. Илҳомов уюшган жиноятчиликнинг моҳияти ва фаолияти, унга қарши кураш ҳақида гапирди.*

*Уюшган жиноятчиликнинг баъзи бир жиноий-ҳуқуқий муаммолари ҳақида ИИВ Олий мактабининг катта ўқитувчиси, милиция майори М. Қодиров сўзлади.*

*Шунингдек, ИИВ жиноят-қидирув бош бошқармаси бўлим бошлиғи муовини, милиция майори С. В. Копенкин уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар идораларининг фаолияти, олдига қўйилган мақсадлари ҳақида гапирди. У айни дамда гиёҳвандликка қарши курашиш халқаро муаммо эканлигини таъкидлади. Нотиқ ўтган йилнинг ўзида наркобизнес билан шуғулланувчиларга миллиард сўмлик фойда келтирадиған 100 гектардан ортиқ экин майдонлари йўқ қилинганлигини, эгалари эса жиноий жавобгарликка тортилганликларини қайд этди.*

*Таклиф этилган меҳмонлар мактаб шахсий таркиби билан фикр алмашдилар. Саволларга жавоб бердилар. Анжуман ниҳоясида ИИВ ўрта махсус милиция мактаби бошлиғи, милиция полковниги Ў. Пўлатов ташриф буюрганларга ўз миннатдорчилигини билдирди ва бўлажак милиция ходимларининг келажакдаги ишларига муваффақият тилади.*

**Ж. НАВРЎЗ**

## Хабар

Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган бир гуруҳ ажнабий талабалар 4 апрелга ўтар кечаси милиция соқчилик хизмати ходимларига ҳужум қилди. Ҳужум қилганлардан бири — Конго республикасининг фуқароси тўқнашув вақтида оғир яраланиб, ҳалок бўлди. Прокуратура идоралари жиноий иш қўзғади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Конго Республикасининг Москвадаги элчихонасига нота юбориб, содир бўлган воқеадан хабардор қилди.

Эртасига, 5 апрель куни конголик талабалар Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида тартибсизлик чиқаришга уриниб кўрдилар. Жамоат тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг митинг ҳамда намойишлар ўтказиш тўғрисидаги Қонунини бузганликлари учун улар милиция ходимлари томонидан ушлаб олинди. Қонунбузарлик ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиққан Сирғали тумани халқ судининг қарорига биноан хорижий талабалар маъмурий жавобгарликка тортилди.

**[ЎзА].**

# ЎТ БАЛОСИНИ ФАҚАТ



# УМУМХАЛҚ ИШИ

## Эртага ўт ўчирувчиларнинг касб байрамлари.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Адҳам Ҳасанович Ёқубов билан суҳбатлашгани борганимизда биз ҳам байрамона руҳни туйдик. Адҳам аканинг иш столи собиқ иттифоқ республикаларидан, ўлкамиз вилоятларидан келган табрикномалар билан тўла. Ўз навбатида Ўзбекистон ўт ўчирувчилари ҳам уларни касб байрамлари билан қутлаб, табрикномалар юборишаётган экан.*

**Мухбир: — Адҳам ака, аввало касб байрамингиз билан чин юракдан табриклаб, нега ўт ўчириш хизмати ходимлари ўз байрамларини 17 апрелда нишонлашлари ҳақида ўқувчиларга маълумот бериб ўтишингизни илтимос қилардим...**

**А. Ёқубов:** — Илгари, чор тузуми даврида Туркистон ўлкасида ёнғиндан муҳофаза этиш ҳизматига етарлича эътибор берилмасди. Содир бўлаётган ёнғинларни, асосан, халқимиз ўз кучи билан бартараф этишга уринар, бу ёнғинларда кўпгина хонадонлар куйиб, бева-бечоралар бошпанасиз қолишарди. Фақат Тошкент шаҳрида бор — йўғи иккита кичкинагина ўт ўчириш қисми бўлган, холос. Бири 11 нафар ўт ўчирувчилардан иборат 7 от-уловга эга бўлган қисм эски шаҳарда, иккинчиси эса янги шаҳарда жойлашган. Ўлкамизнинг бошқа қишлоқ ва шаҳарларида бунақа хизмат умуман бўлмаган. Собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олгандан сўнг, энг асосий муаммолардан бири — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш кераклигини тушуниб, 1918 йилнинг 17 апрель куни ёнғиндан муҳофаза этиш давлат чора-тадбирлари ҳақида декрет қабул қилган. Шундан кейин ўт ўчириш хизматларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Шунинг учун биз бу кунни касб байрамимиз, деб биламиз.

**Мухбир: — Адҳам Ҳасанович, бугунги кунда Республикамиз ўт ўчириш хизматлари қандай кучга эга, уларнинг асосий вазифалари нимадан иборат?**

**А. Ёқубов:** — Ўт ўчириш хизматларининг вазифалари асосан икки қисмдан иборат. Биринчидан — халқ хўжалиги, корхона, муассаса, ташкилот, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини назорат қилиш, иккинчидан — табиий офат, фалокат, ёнғин содир бўлганда фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини, халқ мулки ва миллий бойликларни ёнғиндан сақлашдан иборат.

Бу борада ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида жойлашган ҳар бир туман ва шаҳарларда давлат ёнғиндан муҳофаза этувчи ва ўт ўчириш хизматлари ташкил қилинган бўлиб, улар керакли техник воситалар, кийим-кечаклар билан таъминланган, замонавий ўт ўчириш автомобилларига эга. Фақат ўтган 1992 йилда улар 22,5 минг ёнғинни, 699 бор табиий офат ва фалокатларни бартараф этишга чиқиб, 337 нафар фуқаронинг ҳаётини, 500 миллион сўмдан ортиқ мулкни сақлаб қолдилар. Бундан ташқари давлат ёнғиндан муҳофаза қилувчи хизмат назоратчилари ёнғин чиқиш хавфи бўлган 20 минг корхона, муассаса, бино ва хоналар фаолиятини вақтинча тўхтатиб, 71 мингдан ортиқ раҳбар ва лавозимли шахсларни йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортганлар.

**Мухбир: — Кўрилган чора тадбирлар ижобий самара бергандир?**

**А. Ёқубов:** — Албатта. Ўз вақтида қўлланган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилги ёнғинлар сони 1991 йилга нисбатан 8,7 фоиз камайди. Улар корхоналарда 2,7 фоиз, база, омбор ва дўконларда 10,6 фоизга камайди. Ёнғин сабабларига келсак, болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида чиққан ёнғинлар 12,7, оловдан фойдаланилаётганда йўл қўйилаётган эҳтиётсизлик натижасидаги 7,1, иситиш печкаларидан юз бергани 6,5 ва электр ускуна ва асбобларидан чиққан ёнғин 7,3 фоизга камайтирилди.

Аммо, ҳали республикамизда ёнғинлар содир бўлиши юқори бўлиб, ҳал этиладиган вазифа ва муаммолар жуда кўп. Шу йилнинг биринчи чорак натижаси бўйича ёнғинлар сони ўтган йилга нисбатан 2,5 фоизга кўпайди, уларда 73 киши бевақт ҳалок бўлди. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида асосий фаолиятимизни аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини кучайтиришга, оммавий ахборот воситалари орқали ёнғинлар қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини таъкидлаб, ўз вақтида керакли чора-тадбирлар қўллашни эслатиб туришга қаратганмиз.

**Мухбир: — Ўт ўчирувчилик қийин касблардан бири, аммо шарафли. Сафларингизда минглаб фаол меҳнат қилаётган, ажойиб инсонлар бор. Шулар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

**А. Ёқубов:** — Бизнинг асосий вазифамиз инсон ҳаётини қутқариб қолишга қаратилган. Республикамизда ёнғиндан муҳофаза қилиш хизматида юзлаб жасур жангчилар фаол хизмат қилишмоқда. Ўт ўчиришда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун 300 дан ортиқ ходимларимиз "Ёнғиндаги жасурлиги учун" медали билан мукофотланганлар.

Жангчиларимизнинг Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманғандаги газ ва нефть қудуқларидан чиққан ёнғинларни бартараф қилишда кўрсатган жасоратлари ҳеч қачон ёддан чиқмайди. Мингбулоқ фаввorasини ўчиришда жасурлик кўрсатган 23 нафар ўт ўчирувчиларимиз Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Аввал айтганимдек, асосий вазифамиз инсон ҳаётини сақлашга қаратилган. Инсон ҳаётини қутқариш йўлида жон фидо қилган жангчиларимизни касбдошларимиз ҳамиша хотираларида сақламоқдалар. Фарғоналик ўт ўчирувчи И. Деҳқонов, Фарғонадаги ўт ўчириш отряди бошлиғи Г. Станников, Тошкент шаҳридаги ўт ўчириш қисмининг қоровул бошлиғи В. Челноков шулар жумласидандир. Қаҳрамонларнинг номларини абадийлаштириш ва хотирлаш учун кўчалар ва ташкилотларга уларнинг номлари берилган ҳамда хизмат қилган қисмларида шуҳрат хоналари ташкил қилинган. Яна бир анъана, яъни улар хотирасига бағишлаб ҳар йили Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ўт ўчириш спорти бўйича республика мусобақалари ўтказилмоқда.

**Мухбир: — Адҳам ака, кўриниб турибдики, республика ўт ўчирувчилари жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Аммо муаммолар ҳам кам бўлмаса керак?**

**А. Ёқубов:** — Асосий муаммолардан бири, нарх-навонинг тез ўзгариши, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида ўт ўчириш техника воситалари билан таъминлаш, янги биноларни қуриш, борларини эса таъмирлаш ишлари тўхтатилиб, қийинчиликлар туғдирмоқда. Бугунги кунда 15 га яқин ўт ўчириш қисми биноларининг қурилиши тўхтатилган. Айримлари эса ҳали ҳам бошланмаган. Жойларда ўт ўчириш воситалари ва автомобилларининг етишмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Қоидаларга нисбатан уларнинг бори 79 ва 63 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари 20 фоиз ўт ўчириш автомобилларининг ишлаш муддати ўтиб кетган. Эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги ўз вақтида таъмирлаш ишларини олиб боришга йўл қўймаяпти, бу эса ўз навбатида, техникани жанговар ҳолда сақлашга халақит бераяпти.

Иккинчи муаммо — вилоятларда катта корхоналардаги ўт ўчириш қисмларининг қисқартирилиши. Фақат 1990-92 йилларда 927 хизматчи қисқартирилиб, 25 ўт ўчириш қисмлари ёпилган. Корхона ва маҳаллий идоралар раҳбарлари, агар аҳвол шу тариқада давом эттирилса, ёнғинлар қандай оғир оқибатларга олиб келишини, миллионлаб сўмлаб зарар кўришларини англаб етмаяптилар.

Бундан ташқари айрим корхона, муассаса, бирлашма раҳбарлари ёнғинларнинг олдини олиш ишларига эътиборсизлик, бефарқлик билан қарашлари, давлат ёнғин назоратчиларининг кўрсатмаларини бажармасликлари натижасида аҳвол мураккаб бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш нафақат ўт ўчирувчиларнинг, балки умумхалқ иши бўлмоғи даркор. Ана шунда содир бўлаётган ёнғинларда гўдакларнинг фарёди, одамларнинг дарди-аламини эшитмас эдик.

**Мухбир: — Адҳам ака, суҳбатимиз охирида яна бир бор ўт ўчирувчиларнинг касб байрамлари билан табрикламоқчиман.**

**А. Ёқубов:** — Раҳмат. Шу фурсатдан фойдаланиб, газетангиз саҳифалари орқали Республикамиз ўт ўчирувчиларини бошқарма номидан байрамлари билан чин юракдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли хизматларида зафар, ютуқлар тилаб қоламан.

**Суҳбатдош Н. ЖЎРАЕВ.**

# ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ёнғинни ўчириш шахсий таркибнинг тажрибаси ёки маҳоратигагина боғлиқ бўлмасдан, балки ўт ўчириш анжомлари ва техниканинг бенуқсон ишлашига ҳамда ҳайдовчиларнинг маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Ҳар қандай ёнғинни ўчиришда асосий талаблардан бири бу ўт ўчириш машиналари ҳамда анжомларининг доимо жанговар ҳолатда бўлиши, ҳайдовчиларнинг ўз вазифа ва мажбуриятларини тез ва унумли бажаришидир.

Йил сайин ўт ўчириш автомобилларининг тузилишига кўпчилик янгиликлар ва ўзгаришлар киритилиши ҳайдовчиларнинг ҳам ўз малакаларини оширишга ундаяпти, улардан янги киритилган агрегатларни қунт билан ўрганишни талаб қилаяпти. Чунки янги қисмларнинг ишдан чиқиши ёки бузилиши ўт ўчирувчиларни жуда қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва мойларнинг танқислиги ўт ўчирувчиларнинг ўз вазифаларини бажаришда автомобилларда ўтказиладиган техник ёрдамнинг тўла, аниқ ва ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳар ўт ўчириш қисмларида 170 дан ортиқ ҳайдовчилар меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз ишининг усталари, бошқа автомобилларда учрамайдиган махсус анжомларни ишлатишни яхши билишади.

Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш гарнизонида ҳайдовчиларнинг малакасини оширишга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир ишга янги қабул қилинган ҳайдовчи ўт ўчириш автомобилида ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун махсус тайёргарликдан ўтиши керак. Бундай тайёргарликни ҳайдовчилар шаҳар малака ошириш марказида бир ой давомида ўтказадилар. Фақат имтиҳонларни яхши топширганларга ўт ўчириш автомобили ҳайдаш ҳуқуқи берилади. Ўтган йил давомида бундай тайёргарликдан 50 дан ортиқ ҳайдовчилар ўтказилди ва уларга ўт ўчириш автомобилларида ишлашга рухсатнома берилди. Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг малакаларини ошириш мақсадида ҳар йили кўрик-мусобақалар ўтказилади. Улар нафақат ҳайдовчиларнинг малакасини оширишга қаратилган, балки автотранспорт воситаларини, хизмат вақтини узайтиришга ва уларнинг доимо жанговар ҳолда бўлишига ҳам қаратилган, чунки, техник воситаларнинг бенуқсон ишлаши ёнғинни ўз вақтида бартараф қилишга гаровдир.

**А. ҲАМИДОВ,**
**Ўт ўчириш техника ва алоқа воситалари бўлимининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги.**

# РЕЖАЛАР ТУЗИЛГАН

Мустақил Республикамизнинг ёнғиндан сақлаш қўшилмаларига мутахассисларни танлаш, улар билан ишлаш ва жой-жойига қўйиш ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 8 январда тасдиқланган Ички ишлар идораларида оддий ва раҳбарлик таркибининг хизматни ўташи тўғрисидаги вақтинча низоми асосида амалга оширилаяпти.

Тошкент ёнғиндан сақлаш муҳандислар билимгоҳи Ўзбекистон ИИВ тасарруфига ўтгандан сўнг у нафақат республикамиз, балки қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Ички ишлар вазирликлари учун ҳам шартнома асосида малакали мутахассислар етиштириб бермоқда. Шунингдек, 1989 йили собиқ Иттифоқ ички ишлар вазирлигининг буйруғи асосида Тошкентда қутқарув ишлари бўйича 5-минтақалараро махсус бирикма ташкил топди. Бирикманинг асосий вазифаларидан бири бахтсиз ҳодисалар, табиий офат, ҳар хил фалокатлар вақтида биринчи ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бирикмада асосий ва махсус ўт ўчириш автомашиналаридан ташқари айрим вазифаларни бажарувчи автотехникалар мавжуд. Жумладан кимё ва радиоактив ҳолатларини аниқловчи аппаратлар, Австрия фирмасига мансуб "Розенбауер" автомобили, авария-қутқарув ишларига мўлжалланган қирқиш, кесиш, пневматик кўтаргич мосламаларини ўз ичига олади. Шахсий таркиб учун Швеция фирмасида тикилган "Троллерборг" асровчи костюм, тери ва нафас олиш органларини сақловчи Финляндиянинг "Спироматик" фирмасида ишланган анжомлар бор.

Республикамизда ёнғинлар сони бултур 1991 йилга қараганда 8,7 фоиз, ҳалок бўлганлар 29,5 фоизга камайди. Ходимларимиз 200 га яқин фуқароларимиз ҳаётини даҳшатли ёнғинлар ҳамласидан сақлаб қолдилар. Айниқса, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги постларда туну кун навбатчилик хизматларини олиб боришда, Ангрен шаҳридаги Давлат электр станциясида рўй берган ёнғин натижасида 4,5 ва 6-блокларга ўт кетишини сақлаб қолишдаги кўрсатган жасорат ва матонатлари улар кўрсатган шарафли хизматларининг ёрқин далилидир.

**З. МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ Ташкилий бўлимининг бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти.**







# ЎТ ЮРАКЛИЛАР ДАФ ҚИЛАДИ

## СОДИҚ ЙИГИТЛАР КЎП

Ҳозирги кунда сафимизда кўп ўқимишли йигитлар хизмат қилмоқда. Ўрта Чирчиқ тумани давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлинмасининг бошлиғи, ички хизмат майори Жўра Мамадалиевни ёшларимизга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Жўра ака армия сафида йигитлик бурчини бажаргандан сўнг Тўйтепадаги ўт ўчириш қисмига хизматга кирди. Бу қисм раҳбарлари унинг ҳаракатчанлигини, билимга чанқоқлигини ҳисобга олиб Свердлов шаҳридаги ёнғин-техник билимгоҳига ўқишга жўнатдилар. Жўра Нуритдинович бу билимгоҳни намунали баҳолар билан битириб қайтди ва Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг ёнғиндан сақлаш назоратида катта нозир вазифасида, 1983 йилдан бошлаб эса ёнғиндан сақлаш назорати бўлинмасини бошқара бошлади, бу орада у Тошкент ўт ўчириш-техника олийгоҳини сиртдан ўқиб битирди. Жўра Нуритдиновични туманда кўпчилик танийди ва яхши инсон сифатида ҳурмат қилади. Жўра ака ҳам ўз навбатида, керак бўлса ўз шахсий дам олиш вақтини ҳам аямасдан қўл остида хизмат қиладиган зобитлар билан биргаликда туман ҳудудида жойлашган халқ хўжалиги объектлари ва фуқароларнинг шахсий уйларида ёнғин чиқмаслигининг олдини олиш борасида керакли ишларни олиб бормоқда.

Шу йилнинг биринчи чорагида содир бўлган ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 20 фоиз камайди, ёнғиндан келган зарар ҳам бирмунча қисқарди. Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳар ўт ўчириш қисмида туманлараро ўт ўчириш таянч пункти тузилиб, кечаю кундуз ўт ўчириш, табиий офат билан курашишга шай турибдилар. Жўра Нуритдинович кейинги 15 йил мобайнида 20 кишидан кўпроқ шогирдлар тайёрлади, бу шогирдлар ҳозирги кунда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ўз хизматларини давом эттирмоқдалар.

Яқинда кўп ёшларга устозлик қилган ва ўз умрининг 30 йилини ёнғиндан сақлаш хизматига бағишлаган акахонимиз, ички хизмат подполковниги Сотволди Шодибековни ҳурмат ва эҳтиром билан истеъфога чиқардик.

Сотволди ака ўзининг ички ишлар идораларида 30 йиллик хизмати мобайнида халқимиз мулкини жуда кўп маротаба олов чангалидан қутқариб қолишга мувоффақ бўлган, унинг қилган кўп хайрли ишлари кишилар назаридан четда қолмади. Сотволди аканинг номига байрам кунлари унинг хизматидан миннатдор кишилар номидан кўпдан-кўп табрик хатлари келиб туради.

Умуман олганда, Тошкент вилояти ёнғиндан сақлаш идораларида ўз хизмат бурчига содиқ, топширилган вазифаларни қойилмақом қилиб бажарадиган йигитлар кўп.

Уларнинг сўнгги йилларда амалга ошираётган ишлари, ўт ўчириш пайтида кўрсатаётган мардликлари ички ишлар вазирлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан ўз вақтида рағбатлантирилиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг 27 декабрь куни эрталаб Янги Ангрен ГРЭСнинг 1, 2, 3-энергоблокидаги содир бўлган ёнғинни ўт ўчирувчилар ўз вақтида даф қилишга эришдилар. Бунинг натижасида вилоятимиз, қолаверса, республикамизнинг халқ хўжалик объектлари ўз кундалик ишларини узлуксиз давом эттирдилар. Аксинча бўлганда кўп корхоналарнинг иши мажбуран тўхтаб қолиши, натижада вилоятимиз ишлаб чиқариш корхоналарига катта моддий зарар етказилиши мумкин эди.

Бундай натижага эришишда вилоятимиз ўт ўчириш қисмларидаги ўт ўчириш ва ёрдамчи техникаларнинг техник ҳолати яхшилиги, техникаларнинг ўз вақтида таъмирланиши, техник кўрикдан ўтказиб турилиши мақтовга сазовордир.

Вилоятимизда республикамизда яккаю ягона бўлган сиқилган ҳаво аппаратларини синовдан ўтказадиган, таъмирлайдиган база фаолият кўрсатмоқда. 1992 йил мобайнида бу базада 98 та аппарат таъмирланган, 920 та аппарат синовдан ўтказилган.

Бу база вилоятимиз шаҳар ва туман ўт ўчириш қисмларида ташкил этилган, газ-тутундан ҳимоя қилиш хизматини ёнғинни ўчириш пайтида узлуксиз ишлашига яхши шароит яратиб бермоқда. Бунинг натижасида ўт ўчирувчиларимиз ёнғин содир бўлган уйларнинг ичига бемалол кириб, уйнинг ичкарисини, ертўлаларни кўздан кечириб чиқишга, айрим ҳолларда уй ва ертўлаларда ташқарига чиқолмай қолган кишиларни олиб чиқишга шу газ-тутундан ҳимоя қилиш аппаратлари ёрдамида эришмоқдалар.

**В. ЛУКИН,**
**Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат полковниги.**

Меҳнаткаш халқимиз орасида шундай инсонлар борки, улар ўзларининг эзгу ишлари, халқ манфаати йўлида қилган хизматлари эвазига ҳаётидан кейин ҳам кишилар қалбида абадий яшайдилар. Абдусалом ака Саматов ана шундай инсонлардан эди. У киши 33 йил ИИВ тизимида ишлаб, оддий участка вакилидан то бўлим бошлиғи лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтдилар. Ҳозирги кунларда ўғиллари Турғунбой, Шуҳратжонлар оталари ишларини шараф билан давом эттиришмоқда. Ички хизмат майори Турғунбой Саматов 1979 йил Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармасига қарашли

## ЖОНКУЯРЛАР СУЛОЛАСИ

Акмал Икромов тумани давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлимиға кичик назоратчи бўлиб ишга кирди. Свердловск ҳамда Тошкент шаҳарларидаги ИИВга қарашли олий муҳандислар махсус мактабларини тугатди.

Турғунбой Саматов ишға кирган кунлариданоқ талабчанлиги, ҳаққонийлиги ҳамда сафдошларига ғамхўрлиги билан ажралиб туради. 1982 йилдан 1989 йилга қадар Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг Давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлимида назоратчи муҳандис, катта назоратчи лавозимларида ишлаб келди. 1989 йилнинг баҳорида Юнусобод туманини қўриқловчи 6-сонли бирлашмага бош муҳандис, 1991 йилда эса бирлашма бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. У кишини ёш бўлишига қарамай, Турғунбой ака деб чақиришади. Моҳир устоз ва маслаҳатдош бу инсоннинг беминнат хизматлари республика ҳукумати, ИИВ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда: икки марта II, III даражали "Бенуқсон хизматлари учун" медаллари ҳамда пул, эсдалик совғалари, бир нечта Фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантирилди.

Турғунбой ака айни шу кунларда иқтисодиётимиз танг кечаётган бир пайтда давлат корхоналари ва муассасаларида, аҳоли яшаш жойларида кенг ва атрофлича тушунтириш ишлари олиб боришнинг янги услубларини яратиб, ёнғинлар сонини камайтиришга, заҳматкаш халқимизни тер тўкиб йиққан мол-мулкини офатдан асраш борасида кўп ишларни амалга оширмоқдалар.

Ёзги таътил даврида у кишини мактаб ўқувчиларининг дам олиш оромгоҳларида қувноқ ўйинлар ўтказаётганлари, ишдан ташқари пайтда туман ҳокимиятида айрим муаммоларни ҳал қилаётганларининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Шу кунларда биз сафдошларимиз хонадонидан олинган яна бир хушхабарга шерик бўлдик, халқимиз олдида самарали меҳнатларини инобатга олиб, Юнусобод тумани кўчаларида бирига А. Саматов номи берилган.

**О. БОЛГАНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ Давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлими бошлиғи, ички хизмат майори.**





## ҲАМИША ШАЙМИЗ

Жойларда ўтказаётган бир қатор тушунтириш ишларимиз ва тадбирларимизга қарамай, гоҳо-гоҳо баъзи эҳтиётсизликлар туфайли ёнғинлар чиқиб турибди. Уни тезлик билан ўчириш, ёнғин чиққан жойга вақтида етиб бориш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу нарса қувончлики, олиб борган ишларимиз туфайли ўтган йили пахта заводлари, пахта қабул қилиш пунктлари ва бошқа муҳим жойларда ёнғин чиқмаслигига эришдик. Бу бизнинг катта ютуғимиз, албатта. Лекин, айрим ҳолларда хонадонларда уй бекалари ва бошқа аъзоларнинг бепарволиги туфайли унча-мунча ёнғин чиқмоқда. Уни ўчиришда эса ходимларимиз тезкорлик кўрсатмоқдалар. Хабар қилинган жойга ўз вақтида бориш ва оловни ўчириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Кейинги пайтларда Жиззах шаҳар 1-сон мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми ходимлари ҳақида илиқ гаплар кўп айтиладиган бўлиб қолди. Сабаби, бу ерда билимли, ишчан, ўз касбининг моҳирлари ишлашади. Жанговар тайёргарликларининг кўнгилдагидек эканлиги, серғайрат ва ҳаракатчанликлари туфайли шаҳар хонадонлари ва ташкилот ҳамда корхоналарида учраётган ёнғинлар тезда ўчирилмоқда.

Ўтган йилнинг апрель ойида бўлган бир ёнғинда ички хизмат сержанти Баҳодир Ҳожиев катта жасорат кўрсатди.

Оловнинг "пишқириб" ҳужум қилишига қарамай, ўт ичида қолган ёш болани олиб чиқди. Натижада унинг ўзи оғир жароҳат олди. У касалхонада даволаниб, сафимизга қайтди.

Яқинда яна бир ўт балосини бартараф этдик. Шу йилнинг 18 февраль куни эди. Телефон жиринглаб, ундан вилоят халқ таълими таъминоти корхонасида кучли ёнғин бўлаётганлиги тўғрисида хабар қилинди. Тезкор гуруҳ зум ўтмай бу ерга етиб келди. Ёнғин узоғи билан ўн дақиқа ичида ўчирилди. Бунинг натижасида миллион сўмлик ўқув қуроллари ва бошқа моллар сақлаб қолинди.

Туманлардаги зобитлар вақти-вақти билан махсус тайёргарликлардан ўтиб туришибди. Барча кадрлар олий маълумотли ва махсус курсларда малакаларини ошириб келишган. Улар ҳам ўз устларида тинмай ишлаб, касбларига оид малака оширишларда ўқимоқда. Вилоят ва унинг жойлардаги ҳарбийлашган ва мустақил ўт ўчириш қисмлари об-ҳавонинг ҳар қандай ноқулайликларида ҳам ўт балосини бас қилиш имкониятига эгадирлар.

**Р. САЙФУЛЛИН,**
**Жиззах вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат полковниги.**

## Бизнинг фахримиз

Сирдарё вилояти 1963 йилда Мирзачўл воҳасида ташкил топган. Мана, орадан 30 йил ўтди. Ушбу йиллар давомида кўпгина завод, фабрика, корхона, муассаса ва аҳоли яшаш қўрғонлари бунёд этилди. Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими ҳам ўша пайтларда тузилган эди. Ўтган давр ичида бу ерда кўплаб ходимлар меҳнат қилиб кетдилар. Ушбу фахрийлардан А. Юнусов, С. Йўлдошев, Н. Донских, Д. Петухованинг номларини фахр-эҳтиром билан тилга олиб, қилган хизматларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатмоқдамиз.

Ҳозирги кунда ўз меҳнат фаолиятини ёшлар билан биргаликда ўтаб келаётган меҳнат фахрийси Робитқул ака Сангиловни вилоят ўт ўчириш қисмларида ҳамма билади, чунки бу инсон ўт ўчириш қисмида 30 йилдан зиёдроқ хизмат қилиб келмоқда.

Робитқул ака 1960 йилда ўз хоҳиши билан Янгиер шаҳар ўт ўчириш қисмига ишга кирди. Тез орада ўзининг меҳнатсеварлиги, ишга қизиқувчанлиги, тиришқоқлиги ва камтарлиги билан кўпчилик орасида ҳурмат қозонди.

1963 йилда нефть маҳсулотлари дўконида содир бўлган ёнғинни ўчиришда катта жасорат кўрсатган Робитқул акани "Ёнғинда кўрсатган жасорати" учун медали билан мукофотлашди. Шу йил у қоровул бошлиғи, сўнгра 1966 йилда эса ДЁСК (Давлат ёнғиндан сақлаш командаси) бошлиғи этиб тайинланди. Ҳозирги кунгача ўз меҳнат фаолиятини 13-ўт ўчириш қисми бошлиғи вазифасида давом эттириб келмоқда. Шу билан биргаликда ёшларга касб маҳоратини оширишда катта ибрат намуналарини кўрсатмоқда. Ўзининг билганларини касбдошларига сидқидилдан ўргатмоқда.

Робитқул ака кексайиб қолганига қарамай, халқ хўжалик тармоқларида ёнғининг олдини олиш, профилактика ва ташвиқот ишларини юксак даражада олиб бормоқда.

У бир иш жойида узоқ вақт бенуқсон ишлагани учун раҳбарият томонидан бир неча бор рағбатлантирилди ва "Меҳнат ветерани" медали билан мукофотланди. Дарахт бир жойда кўкаради, деб шунга айтсалар керак-да.

**М. ҲАБИБОВ,**
**Сирдарё вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги.**

## ШОНЛИ ЙЎЛ

Бир вақтлар ёнғинларни ўчириш мақсадида 2-3 отаравага ўрнатилган, қўл билан ишлатиладиган насос ва 500-1000 литр сиғимли бочкаларда сув олиб юришиб ўт ўчирганлар. Мана шундай оддий ва содда техникалар билан иш бошлаган сурхондарёлик ўт ўчирувчилар ўзига хос шонли йўлни босиб ўтди.

— Қирқинчи йилларнинг охирларида ўт ўчириш командасига ишга кирдим, — дейди меҳнат фахрийси ва ҳозирги вақтда нафақадор Ҳусан Товашаров. — Ўша пайтда вилоятимизда иккита ўт ўчириш командаси бўлиб, уларнинг бири Термизда жойлашган, вилоятимиз ҳудудида содир этилаётган ёнғинларни бартараф этиш учун масъул эди. Иккинчиси эса Термиз темирйўл вокзалида жойлашганди. Буларнинг иккаласида ҳаммаси бўлиб 20 га яқин ўт ўчирувчилар хизмат қилишарди. Бу вақтда вилоятимиз ҳудудида содир этилаётган ёнғинлар ҳам бир ойда 1-2 тадан ошмас эди. Айрим ойларда эса умуман ёнғин ҳам бўлмасди.

Вақт ўтиши билан техника тараққиётининг ўсиши, саноат корхоналарининг ривожланиши ва аҳоли сонининг кескин ортиши нотижада содир этилаётган ёнғинлар сони ва ундан келтирилаётган зарарлар ошиб, айрим ҳолатларда эса фожиаларга олиб кела бошлади.

Сурхондарё ўт ўчирувчиларининг ҳозирги авлоди бу соҳада 30-40 йиллаб хизмат қилган Аваз Хуррамов, Олим Азизов, Қаҳҳор Қўлдошев, Чори Ўроқов, Азизқул Тўхтамишев, Тўхтамурод Жўраев, Бозор Бердиев, Мамажон Исахўжаев, Баҳром ва Даврон Қодировлар, Сафар Раҳмонқулов ва буларга ўхшаш кўпгина фахрийларимизни ҳурмат билан тилга олишади. Бугунги кунда ўша фахрийларнинг дуосини олган шогирдлар эса халқимизнинг тинч-тотувлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз ҳудудида 300 дан ошиқ ёнғин содир бўлиб, келтирилган зарар эса 15 миллион сўмдан ошиб кетди. Айниқса, содир этилаётган ёнғинларнинг 70-80 фоизи халқимизнинг шахсий хонадонларида содир этилаётганлиги бизни чуқур қайғуга солмоқда. Чунки меҳнаткашларимизнинг бир неча ўнлаб йиллар давомида қуриб битказган уйлари, мол-мулклари эҳтиётсизлик оқибатида ёниб кул бўлмоқда. 1990 йилнинг август ойида ўқ-дори омборида юз берган ёнғинда ходимларимиздан Исмоил Ҳасанов, Ортиқ Вельназаров, Гелдимурод Рўзиевлар ўтни ўчиришда кўрсатган жасорати учун Республикамиз ҳукумати томонидан "Ёнғинда кўрсатган жасорати учун" медали билан тақдирландилар. Қолган ходимларимиз эса республика ИИВ ҳамда вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирландилар.

**А. ЁРМАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги.**

тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Олеся ва компания". 8.50 Болалар учун фильм. "Дўстим Сўқротжон". 10.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/2 финал. "Антверпен" (Бельгия) — "Спартак" (Москва). Бельгиядан кўрсатилади. 10.50 Матбуот-экспресс. 11.00 Янгиликлар. 11.20 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан).

Театр шинавандалари, Сизлар учун! 12.10 А. Арбузов. "Эскирган комедия". В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли. 13.45 Мультфильм. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 Болалар учун фильм. "Дўстим Сўқротжон". 16.20 "Провинция". 16.50 "Иш". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ҳамдўстлик манфаатлари посбонлигида" кўрсатувини таништиради. 17.40 "Инсон ва қонун". 18.10 "Вагон-03". 18.40 "Жамоатчилик фикри". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар.

**"ВИД"таништиради:**

20.20 "Мўъжизалар майдони". 21.15 "Ток-шоу". 22.45 "Авто-шоу". 23.35 "Сиёсий бюро". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 00.05 Василий қиялигида концерт-митинг. Кўрсатув тугагач — "Матбуот-экспресс".

**"ДУБЛЬ IV"**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.25 Ишдан бўш пайтингизда. 7.55 "Рек-тайм". 8.25 "Сиёсат майдонида". 9.20 "Сиз яратган боғ". 9.50 "Ҳайвонот оламида". 10.50 "Ишдан бўш пайтингизда". 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм. 158-серия. 11.55 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 12.40 "Деҳқонларга таллуқли масала". 13.05 "Ижица". 13.35 Мультфильм. 14.50 "Телебиржа". 15.20 Янгиликлар. 15.35 "Рост" студияси. "Степа амакини табриклаймиз". 16.05 "Трансросэфир". 16.35 Парламент хабарномаси. 16.50 Спорт кўрсатуви.

**17.00—18.35**
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Мусиқий дақиқалар. 18.30 Кинолавҳа. 18.35 Жума куни Дисней. "Ер сайёрасига юборилган". Бадиий фильм. 7-серия. 19.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.00 "К-2" таништиради: "Абзац".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Аждаҳони ўлдириш. Бадиий фильм. 23.25 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.

## ШАНБА
### *24 АПРЕЛЬ*

**ЎзТВ I**

**7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Ҳамма гап акамда". Бадиий фильм". 9.15 "Ўзбекистон спорти". 9.45 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари. 10.25 "Саноатимиз одимлари". 10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 11.20 "Алифбо сабоқлари". 11.50 "Ёшлик ёғдуси". 12.30 "Бинокор". 13.00 Футбол майдонларида. 13.30 "Устоз ва мураббий". Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарофиддинов таваллудининг 95 йиллигига.**

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Сеҳрли тун". Болалар учун фильм. 19.00 "Санъат гунчалари". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ихтиро ва кашфиёт". 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 Жумҳурият газеталарининг шарҳи. 21.40 "Муштум" билан учрашув. 22.40 "Кино, кино, кино...". 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎзТВ II**

**17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.**
**"ОРБИТА IV"**

5.45, 7.30, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" — кичкинтойларга". 8.30 "Шанба кунги дастхат". М. Задорнов. 9.00 "Тиббиёт ҳамма учун". 9.40 "Қизил космос". Телефильм премьераси. 10-фильм. 10.10 "Рус олами". 10.50 Мусиқий кўрсатув. 13.25 Мультфильмлар. 14.00 Янгиликлар. 14.25 "Ўзгариш", "Илҳом манбалари" кўрсатуви ҳузурида меҳмонда. 14.55 "Марказий экспресс". Европа тележурнали. 15.25 "Ультра-си" спорт кўрсатуви. 16.05 "Ҳайвонот оламида". 16.45 "Оба-на-Угол-шоу". 17.15 "Қизил квадрат". 17.55 А. Кторов ижодиёти. 18.45 "Коламбия пикчерс" "Секс — қопқон" бадиий фильм премьерасини таништиради. "Майк Хаммер" телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Анна Каренина". Уч серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.15 "Сиёсат" студияси таништиради. Аналитик репортаж. 21.40 "Ҳам ташвишли ва кулгили нарсалар ҳақида". А. Арканов. 22.30 "Матбуот-экспресс". 23.00 Янгиликлар". 23.35 "Телетўлкин: ишонч, умид, муҳаббат".

**"ДУБЛЬ IV"**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.20 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.45 "730-формула". 8.15 "Рост" студияси. "Бизнинг "Аралаш-қуралаш". 8.45 "Ҳали англанмаган қоинот". 9.15 "Бурда моден" тавсия этади...". 9.45 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 10.25 "Деҳқонларга таалуқли масала". 10.45 "Омад кулиб боққанда".

**11.45—15.15**
**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**

1. "Рангинкамон" (тожик тилида). 2. "Илҳом" мусиқий студияси билан учрашув. 3. "Авлодлар". 4. "Таниш номлар". Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси В. Н. Глушенкова ҳақида телеочерк. 5. "Баҳорги калейдоскоп".

**15.15—17.20**
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

15.15 Видеофильм. 16.00 Мусиқа. 17.00 "Овросиё". 17.20 "Мутлақо махфий". 18.15 Спорт кўрсатуви. 18.20 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Россия — Швеция. Танаффус пайтида — "Ҳар бир кун байрам". 19.45 "Қаҳрамон учун кўзгу". Бадиий фильм. 1-серия.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Қаҳрамон учун кўзгу". Бадиий фильм. 2-серия. 22.35 "Келинг, аниқлаб олайлик". 22.50 "Чегарасиз футбол".

## ЯКШАНБА
### *25 АПРЕЛЬ*

**ЎзТВ I**

**7.00 "Ўлмас мерос". Телефильм. 7.20 Севги тароналари. 8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 13-серия. 9.15 Инглиз тили. 9.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар". 10.30 "Меҳр". 11.00 "Адабиёт ва маънавият". 11.45 "Излаган имкон топади". 12.15 "Ватанпарвар". 13.00 "Тилсиз ёв асорати". Чернобиль талофатини бартараф этишда зарарланган республикамиз фуқароларининг ижтимоий ҳимоя қилиниши хусусида.**

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Беодоб", "Олис Жанубда". Мультфильмлар. 18.25 Ўсмирлар учун. "Ўйла, Изла! Топ!". 19.10 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Билиб қўйган яхши". 20.10 Жаҳон спорти янгиликлари. 20.20 "Дил номалари". Мусиқий кўрсатув. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни. 22.10 "Ойнаи жаҳонда". 22.20 Мерос. "Нодираи даврон". 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎзТВ II**
**БИШКЕК КЎРСАТАДИ**

8.05—11.05 "Баластан" студияси кўрсатади: "Хуш хабарлар"; "Жилдиздуу балан"; "Бабалардан қолган соз"; "Баластан" студиясининг мейманканасидан"; "Бобок, сенин жомогун; мультфильм.

18.40 "Спорт жилолари" (рус тилида). 19.10 "Шакаба сарайи". 20.30 Хабарлар (қирғиз ва рус тилларида). 20.50 "Кино оқшоми". Программада: мультотека, "Новинки" киноклуби", кинокалендарь, "Фильмни муаллиф таништиради", "Кадр ортидаги учрашувлар", "Мусиқий сеанс".

**"ОРБИТА IV"**

5.50, 7.30, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 "Руҳни чиниқтириш". 6.55 Янгиликлар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 "Спортлото" тиражи. 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалигида". 9.30 "Тонг юлдузи". 10.20 "Ҳунарли хор бўлмайди. 10.25 "Ҳарбий ревю". 11.05 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 11.30 "Китобхона". 12.10 "Марафон-15".

"КТВ-1" ва "Франс интернасиональ" канали таништиради:

13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгиликлар. 14.15 Мультфильм. 14.35 "Сайланганлар ва халқ". С. Шушкевич. 15.15 "Саёҳатчилар клуби". 16.05 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчилар". 17.05 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 "Славяне" халқ рақс театри ижро этади. 18.15 "Олам дам олишда". 19.00 Киношарҳ. 19.20 Телеэкранда биринчи марта. "Авлиёлар сафарга чиққанда". Бадиий фильм ("Ленфильм" кино уюшмаси). 20.55 Эълонлар. 21.00 "Якунлар". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.10 "Музобоз". 22.50 "Учовлон, етовлон, туз", Телеўйин. 23.00 Янгиликлар. 23.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия — Канада терма командалари. Германиядан олиб кўрсатилади.

**"ДУБЛЬ IV"**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

7.20 "Лена ва Рита". Ҳужжатли фильм. 7.50 "Рост" студияси. "Мусиқий синф". 8.20 "Гапгаштакларни қўмсаб". 8.45 "Ладгалерея". Ҳайкалтарош И. Рукавешников. 9.15 "03" кўрсатуви. 9.45 "Ати-бати..." 10.15 Фольклор. "Рязанда тўйлар". 10.45 Кипрас Мажейка. "Кичик Европа"дан репортажлар. 11.15 Кино музейи. "Мэри Пикфорднинг бўсаси". Бадиий фильм. 12.35 "Деҳқонларга таалуқли масала".

**12.55—17.25**
**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**

1. "ЭКОСАН" — саломатлик ва экология жамғармаси хабарномаси. 2. Профессионал боксчилар минтақа чемпионати. 3. "Чисен" (корейс тилида). 4. "Безнен мирас" (татар тилида). 5. "Замандас" (қозоқ тилида). 17.25 "Ҳар бир кун байрам". 17.35 Си-Би-Эс кинотеатри. "Умбалоқ ошиб". Бадиий фильм (АҚШ).

**19.15—21.20**
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

19.15 Ҳужжатли фильм. 20.00 "7 ёшдан 77 ёшгача". 20.45 Туркиядан мактублар. 21.00 Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 Катталар учун мультфильм. 21.50 Тунги сеанс. "Ўз ихтиёрига кўра севиб қолган". Бадиий фильм.

**("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).**

*МУТАХАССИС СЎЗ СЎРАЙДИ*

# Аҳлоқ ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг кундан-кунга иқтисодий, сиёсий, маданий мустақиллиги мустаҳкамланиб боришида ўзбек халқининг қадимдан шаклланиб, ривожланиб келаётган миллий аҳлоқи ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Айниқса, бозор муносабатлари ривожланиб бораётган давр қадимдан мавжуд бўлган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзбек миллий аҳлоқий қадриятларини янада ривожланишини ва шу билан бирга аҳлоқий талабларга риоя қилишни тақозо қиляпти.

Бу ишда ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшяптилар, яъни аҳлоқий ва ҳуқуқий томондан аҳлоқ нормаларининг амалга оширилишини назорат қилиш имкониятларига эга ва бу уларнинг хизмат бурчи ҳамдир. Лекин ҳамиша ҳам аҳлоқий назорат қилиш ҳуқуқларига эга эмаслар. Бунинг учун улар тарбия кўрган, ижобий аҳлоқий фазилатларга эга бўлишлари ва аҳлоқий талабларни ҳуқуқ талаблари билан мувофиқлаштира олишлари шарт. Чунки аҳлоқ ва ҳуқуқ бир-бирига боғлиқ бўлган ҳодисалардир, шунинг учун ҳуқуқ нормаларининг бузилиши аввраламбор аҳлоқ нормаларининг бузилишидир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда қадимий ўзбек миллий аҳлоқий фазилатларига эҳтиёж ортмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари бу фазилатларга эга бўлишлари учун шу мавзуга, яъни ижобий аҳлоқий фазилатлар тўғрисида тўхталмоқчиман.

Қадимдан ота-боболаримиз инсонлардаги ижобий аҳлоқий фазилатларни юқори баҳолаб келишган. Мана, баъзи ижобий аҳлоқий фазилатлар: **фатонат, назофат, риёзат, шижоат, ҳилм, назари ибрат, идрок ва зако, авф** ва бошқалар.

Булар ички ишлар идоралари ходимлари хизматининг инсонийлик моҳиятини очишга ёрдам беради. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳар хил шароитларда хизмат олиб бораётганлари учун бу ижобий аҳлоқий фазилатларга эга бўлишлари ва зарур бўлганда намойиш қилишлари лозим.

Кейинги вақтларда бу ижобий фазилатларга эътибор берилмаганлиги, қўлланилмаганлиги учун бироз тушунча беришни лозим топдим.

**Фатонат** — ақл эгаси бўлиш демакдир. Ҳар бир ички ишлар идоралари ходимлари ақл билан иш юритишлари, ўз ҳатти-ҳаракатлари, ҳиссиётларини ақлига бўйсундира олишлари лозим. Бу ҳақда Абу Шукур Балхий шундай деган:

**Очиқ кўздан зийрак — ақлдир, ақл,**
Донолардан тийрак — ақлдир, ақл.
Ақл раҳнамою ишбошинг бўлсин,
Жаҳонда у ҳар вақт йўлдошинг бўлсин.

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, ишлайдиган асбобларимизни пок ва тоза тутишга айтилади. Ҳар бир ички ишлар идоралари ходимлари пок ва тоза бўлишга ҳаракат қилишлари зарур, шу ҳолдагина иш унумли ва халқ орасида эътибор ва шуҳрат топадилар. Бу тўғрида ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний шундай деган:

**Халқи олам севгусидур тозалик, покни,**
Поклик ортгусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар у бебокни.

Риёзат деб савоб ишларни қилиб, гуноҳ ишлардан ўзни сақламоққа айтилади. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам савоб ва гуноҳ ишларни бир-биридан ажрата олишлари, савоб ишларни қилишлари ва гуноҳ ишлардан ўзларини тиймоқлари зарурдир.

Риёзат ҳақида Абу Али ибн Сино шундай деган: **"Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлғиз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадур".**

Шижоат деб ботир ва юракли бўлишга айтилади. Бу эса ички ишлар идоралари ходимлари учун зарур фазилатлардан ҳисобланади, шунинг учун улар ҳар ишда шижоатни қўлга олиши зарур. Инглиз файласуфи Жон Стюарт Блекки (1809-1895) ботирлик ҳақида шундай деган: **"Ботирлик маънавий жасоратдир".**

Ҳилм деб ҳар бир ишга аччиқланмайдиган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлишга айтилади. Ҳилм илми ички ишлар идоралари ходимлари учун аҳлоқ юзасидан энг керакли нарсадир. Бу ҳақда яна Абдулла Авлоний фикрини келтирмоқчиман:

**Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,**
Бўлур халқи олам сенга дўсту ёр.
Бўлур мевалик шохни боши паст,
Ҳалим ўлгуси оқили ҳушёр.

Назари ибрат деб бир нарсага синчиклаб боқиб, ундан ўзига бирор ҳисса ибрат олишга айтилади. Ички ишлар идоралари ходимлари учун энг кераклиси назари ибратдир.

Жалолиддин Румий (1207-1272) бу ҳақда шундай деган: **"Жаноби ҳақнинг асори қудратларини басират кўз ила, назари ибрат ила томоша қилинса, кўп ҳикматлар кўрилур. Чунки ҳақиқат илмининг муаллими чашми ибратдир".**

Идрок ва зако деб очиқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлишга айтилади. Идрок ва заколи ички ишлар идоралари ходимлари кишилар ҳар бир мақсадининг маънолари қаерга бориб тақалишини тезда тушунади.

Абулқосим Фирдавсий (934-1025) идрокни кўкларга кўтариб шундай ёзган:

**Худо неъматларин олийси идрок,**
Ақли мадҳ этар кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.

Афв деб кечиришга айтилади. Ички ишлар идоралари ходимлари бирор киши аҳамиятсиз хатосини бўйнига олиб, ўкиниб, кечирмакни сўраса, афв қилмоқлари лозимдир.

Бу ҳақда Носир Хисрав (1003-1088) шундай ёзган:

**Келишмайди асло одам зотига,**
Йиқилганлар қолиб минсанг отингга.

Юқоридагиларга асосланиб, шуни айтишимиз мумкинки, ҳақиқий инсоний аҳлоқни ўзида барқарор қилган ички ишлар идоралари ходимларигина кишиларга яхши таъсир кўрсатади ва уларнинг меҳр-шафқатли, софдил бўлиб тарбияланишига ёрдам беради.

**А. ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби фалсафа кафедраси ўқитувчиси, ички хизмат майори.**

МУНОЗАРАГА ЧОРЛАЙМИЗ

# Маҳаллада тўй бўлди...



Маҳаллада катта тўй, кимсан фалончи ака ўғлининг қўлини ҳалоллаётганмиш, ўртоқлари "Тойота" олиб келармиш, деган хабар тарқалди.

Илгарилари ими-жимида қилинадиган "суннат" тўйлари энди кундуз куни ошкора ва бежанжал ўтадиган бўлганидан ҳамма, шу жумладан "участковой" ҳам хурсанд. Эшитган ҳам, эшитмаган ҳам йиғилиб бўлган. Тўйни маҳалла қўмитасининг раиси очди ва тўй сабабкорига узоқ умр тилаб келажакда чин инсон бўлади, биз амалга оширмай қоладиган юмушларни бажаришда фаол иштирокчи бўлади, деган фикрни билдирди. Ўртани тартибли олиб бориш учун обрўли киши раҳбар бўлди.

Навбат санъаткорларга берилди. Куй ва мусиқалар янгради. Илгарилари "Тўйлар муборак" айтиларди, энди эса қўшиқчи қизимизнинг "Туркман қизга уйлансанг" ашуласи икки-уч марта такрор айтилди. Даврага белининг суяги йўқ икки қиз тушди. Тўйда хизмат қилаётган йигитлар ҳам ишни ташлаб уларни томоша қилди. Чой олиб келадиганлар давра ичида кўринмай кетди.

Меҳмонлар табрик сўзларини кутмай, "Смирнов", "Распутин" ароқларини пахта гуллик пиелаларда ича бошлашди. Уй эгалари, ёру дўстлар дастурхонга қарашни эсдан чиқариб, ўйинчи қизларга совға-салом бера бошлади. Кимдир 50, кимдир 500 сўмликларни ҳамммага кўрсатиб қизларнинг қўлига бериб кетарди.

Давра раиси санъаткорларни зўрға тўхтатиб: "Азизлар, мана "Тойота" ҳам келди," — деди. Ҳамма жим бўлиб, атрофга қаради. Даврага машина сиғмаслигига ҳамма амин эди... Барчани ажаблантириб ясатилган тойни тўн кийган йигит ўртага етаклаб кирди. Тўй сабабкори той устига мингазилди. Шунда ҳамма қарсак чалиб, ўрнидан турди. Даврани олиб бораётган йигит яна жим бўлишни сўраб, "Биродарлар, "Тойота" олиб келармишлар, деган гап рост эди, мана тўй йигитга ота тутинган Ҳамза Бозорович той олиб келди. Бу ёлғон эмасди", — деди.

"Тегирмон навбати билан", — деганларидек, ўртага яна "қўғирчоқсимон" қизчалар тушишди. Ўйин авжига чиқди. Меҳмонларнинг олдига бориб, оёқлари, қўллари билан турткилаш, улардан сурбетларча пул талаб қилиш давом эта бошлади. Ким 100, ким 500 таликларни қизларга қистириб, "қойил қилдик" деб хурсанд бўларди. "Эгилиб ўпсанг — 1000 сеники" — деган шер йигитлар ҳам пайдо бўлди. Уят, ор-номусини сувдек ичиб юборган ўйинчи қиз, бир эмас икки марта ўша йигитнинг пешонасидан ўпиб, қора ёғдан сўнг оқармай қолган бармоқлари орасидан "минг"ни юлиб кетди.

Даврадан четга суриб чиқарилаётган хотин-қиз, болаларнинг шовқин-сурони яна ҳам кучайиб кетди. Биз ўтирган ўриндиқлар орқасига лоф бўлмаса 300—400 аёл, қиз, болалар ўтиб олди. Орқадан биров қараб турса, чой ҳам ичиш ноқулай бўлар экан. Атрофимизда ўтирган ширакайф азаматлар ўйинчиларнинг у ер, бу ерига қўл узатгани учун анча пул сарфлай бошлашди. Шу пайт ер ёрилсаю, биз ерга кириб кетсак. Чунки, орқамизда турган ёш-яланглар бу воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турардилар. Қизчаларни тартибга чақириб бўлмади. Рўпарамизда ўтирган йигит, тўй-тўйдек бўлсин, амаки, қўйинг, деди. Жанжал чиқариб ўтирмаслик, тўй кайфиятини бузмаслик учун биз — уч киши ўрнимиздан туриб кетдик.

Йўл-йўлакай кўз ўнгимизда куппа кундуз куни бўлаётган "ажойиб" ҳангомаларни таҳлил қилиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам бир қанча саволлар ҳаммани қизиқтиради, ўйлантириб қўяди.

Ота-бобомиздан мерос ор-номус, иффат ва ҳаё, садоқат Ватани бўлмиш она юртимизда нималар бўляпти?

Баъзи тўйларга аёлингиз билан боришга тўғри келади. Ана ўшанда шарманда бўлиш ҳеч гап эмас. Яхшилик билан 100 — 200 сўм бермасангиз, бошдан дўппингизни олиб, теваракдагиларга: "садақа беринглар, бу йигитнинг пули йўқ экан" деб узатиб юборадилар.

Энг ёмони шундаки, номи оламга кетган санъаткорлар ҳам тўй-тўйлаб юрганларида ўзлари билан белида суяги йўқ, орсиз қизларни даврага маст қилиб ташлаб бировлар ҳисобидан пул ишлаб оладилар. Баъзи раҳбарлар ҳам бундай хатти-ҳаракатларни "жиловлаш" ўрнига ўзлари ҳам "Ура" деб қарсак чалмоқдалар.

Мен шундай фикр билан вилоят рўзномасида чиқиш қилдим, лекин етим-есирларга берилса катта савоб бўлган жарақ-жарақ пуллар қандайдир беҳаё, орсиз аёлларга берилиши давом этмоқда.

Душман отган тошдан, жигар отган кесак қаттиқ тегади. Ана ўша қизчаларнинг жигарлари ҳам бу тўғрида гапиришса соз бўлармиди?

Ўшанда нопок қадамлар табаррук заминимизни топтамасмиди?

**Фахриддин МУШТОҚ ўғли,**
**Сирдарё вилоят ИИБ бўлим бошлиғи, милиция полковниги.**

# ТАКЛИФЛАРИМ БОР ЭДИ

Хизмат гувоҳномамни вилоят марказий бекати кассасидан рўйхат қилдирдим-да автобусга чиқиб ўтирдим. 20 минутлардан кейин автобус ўрнидан қўзғалди. Бунгача 2-3 та текширувчи чиқиб, паттасизларга патта сотиб кетишди. Бекат майдонидан чиқаверишда ҳам тўхтатиб қайтадан яна патта бор-йўқлигини текшириша бошлашди. Йўловчилар сони ҳужжатдагига тўғри келмаган кўринади, текширувчилар автобус ичига кириб йўловчиларни санай бошлашди. Автобус ичида 4-5 имтиёзли йўловчи бор экан. Улар гувоҳномаларни кўришди. Шунда қизиқ воқеа бўлди. Ички хизмат капитани формада экан.

"Сиз ҳам служебныймисиз?" — сўрашди ундан. "Ҳа", — деди ҳалиги капитан. "Сизга мумкин эмас, сиз йўл ҳақи тўлайсиз",— дейишди назоратчилардан бири. Капитан "бизларга бепул, қарор бор, мен ҳам ИИБ ходимиман", деди. "Ҳозир служебныйлар ва мелисаларга ҳам патта сотилади. Гувоҳнома ярамайди", деб қолишди тўсатдан. Ҳайрон қолдим. Чунки кассада ўтирган йигит "Фалон белгили автобусга чиқаверинг", деган эди. Шу вақт ёши каттароғи келиб: "буларнинг бепул юришларига ҳақи бор", — деб кетди.

Милициянинг имтиёзларини қайта кўриб чиқиш, имтиёзларини кўпайтириш ҳақида қанчадан-қанча таклиф ва истаклар ёзишмоқда.

Менимча, касбларнинг энг машаққатлиси ва масъулиятлиси шу милициянинг иши. Дўхтирларни олайлик. Улар ортиқча ишлаганликлари учун қўшимча пул олишади. Байрамларда ишласалар ҳам шундай, икки карра ҳақ олишади. Ўқитувчиларга келсак, улар бир иш кунида фақат 6 ёки 7 соат ишлайдилар холос. Дам олиш куни деганлари бор яна уларда. Милициянинг иши бошқача. Дам олиш ва байрам кунлари милиционерлар учун йўқ ҳисоби. Баъзан эса 2-3 кунлаб ҳатто уйингга ҳам келолмайсан. Иш вақтининг чегараси йўқ. Уйингдаку фойданг умуман тегмайди.

Мен кўп йиллик тажрибамдан шу нарсани биламанки, милициянинг ишига ҳавас қилиб келган кўп йигитлар хизматнинг оғирлигидан бир йилга етмасдан ишдан бўшаб кетиб қолади. Милицияда ишлаш тўғри келмас эмиш уларга.

Тўғри, милицияда ишлашнинг четдан қараганда ҳеч қандай оғирлиги йўқдай. Лекин бошқа ҳар қандай касблардан оғир ва масъулиятли. Шунинг учун мустақил республикамизнинг ўзига хос ва мос келадиган, милициянинг хизматларини тўғри баҳолайдиган комиссиями ёки шунга ўхшаш бир ташкилот тузиб, ўрганиб, уларга ҳақ тўлаш, имтиёзлар беришни йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Менинг фикрим ва таклифларимга ҳамкасбларим ва бошқа ходимлар қўшилишади, деб ўйлайман.

**Саъдулло БОБОЕВ,**
**милиция старшинаси.**

# ЙИГИТЛИК ШАЪНИ ҚАЙДА ҚОЛДИ?

**Умуман олганда, ўтган йили жамоамиз ёмон ишламади, жиноятларни қисқа вақтда очиш одат тусига кирди. Тергов ишлари сифати бирмунча ошди. Бу жиноятларни очиб айбдорларни қонуний жазога тортишда адолат кўпроқ тантана қилаётганини билдиради. Лекин биз қонунбузарликларни вақтида очдик, айбдорлар қонуний жазога тортилди, деб хотиржам бўлолмаймиз. Чунки каттами, кичикми, жиноят содир бўлди. Ҳуқуқ бузилди. Кимнингдир ўз қабиҳ ниятини амалга ошириши ҳисобига бошқа бир инсон жабрланди. Ҳам моддий, ҳам маънавий азобда қолди. Вақтинча бўлсада, унда ҳақиқат йўқ, деган хулоса пайдо бўлди. Эртанги кунга ишончи йўқолди.**

**Ҳар бир жиноят инсон қалбини вайрон қилиб, ана шундай оқибатларга олиб келади. Шунинг учун биз ҳар бир жиноятни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қиламиз ва вақтида очилиб, қонуний баҳо берилган ишни адолат тиклаш ҳамда жароҳатланган инсон қалбини ишончсизликдан фориғ қилиш деб биламиз.**

**Ўтган йилдаги ҳуқуқбузарликларга тўхталадиган бўлсак, бир қатор хавфли жиноятлар ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йигитлар томонидан содир этилгани ташвишли бўлди. Нега бу ёшлар ўғирлик, босқинчилик каби жиноий ҳаракатларни ўзларига ҳаёт кечириш йўли деб танладилар экан?**

**Бундай ёшлардан бири Шерали Ҳусановдир. У 1990 йили Оққўрғон туман халқ суди томонидан судланган, лекин нимагадир бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган экан. Натижада яна жиноятга қўл урди.**

**...Кеч соат 19ларда Оққўрғон шаҳар, Ойбек кўчасида яшовчи З. Холбековани тўхтатиб, бўйнига пичоқ тирайди ва унга жароҳат етказиб, зўрлик ишлатади. Унинг сумкасини олиб, қочиб кетади. Шу тариқа жувонга 2628 сўмлик моддий зарар етказади. Яна шу куни соат 20 ларда Чкалов кўчасида Г. Усмонована ҳам тўхтатиб, биқинига пичоқ тираб, қўлидаги сумкасини олиб кетади. Унга ҳам 2136 сўмлик моддий зарар етказади. Тезкорлик билан кўрилган чоралар туфайли жиноятчи ўша тунда қўлга олинди. Туман халқ суди унга қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.**

**Султон Сегизбоев номли давлат хўжалигининг 1-бўлимида истиқомат қилаётган М. Тўйчиев, Р. Эргашев, М. Тўйчиев, Б. Худойберганов, В. Беквиноллар ҳам ҳали ҳаётда ҳеч нарсани кўрмаган ёш йигитлар. Ўзлари шу ерлик, ота-оналари халқ ҳурматига сазовор одамлар. Бу ёшлар ўзларининг ҳамқишлоқлари Р. Абдуллаевнинг омборхонасига ўғриликка тушишади ва унга 13266 сўмлик моддий зарар етказишади. Улар 120 шиша ароқ ва 12 шиша вино деб йигитлик шаънини оёқости қилишди.**

**Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Ленин номли жамоа хўжалиги Чапаев кўча 104-уйда яшовчи ака-ука, 1969-1970 йилларда туғилган Баҳодир ва Баҳром Отабоевлар эса енгил ҳаёт кечиришнинг бошқача йўлини тутишади. Улар 1992 йил 4 апрель куни эрталаб тугмали пичоқлар билан қуролланиб, Чимкент вилояти, Ильичевск туман шоҳбекатига келишади. У ерда турган шахсий енгил автомашина эгаси Геннадий Мартиновга учрашиб, бизни Бўка туманига олиб бориб қўйсанг 900 сўм берамиз, деб кўндиришади. Йўлда келаётиб Оққўрғон тумани "Гулистон" жамоа хўжалигининг "Шодлик" участкасига етганда пичоқларини чиқариб, машинани тортиб олишади ва ўзлари бошқариб, Бўка томонга қочиб кетаётганларида милиция ходимлари ушлашади. Албатта, бу "саёҳат" уларга қимматга тушди. Суд залидаги пушаймон бефойда бўлди.**

**Мана шу воқеалардан кейин ёш-ёш йигитларнинг жиноят қилиб, ота-онаси, фарзандларининг кўзларини ёшлаб, қамалиб кетаётганларини кўрганда ачинасан киши. Ахир улар бошқа бир оламда яшаганлари йўқ-ку? Сиз билан бизнинг орамизда яшашди. Фақат адашишди, ёмон йўлга киришди... Биз эса уларга нисбатан бефарқ бўлдик.**

**Шу ўринда мен бир таклиф айтмоқчи эдим. Маҳалла қўмиталари, ота-оналар, мактаблар, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, фахрийлар кенгашлари, ёшлар ташкилотлари ёшлар тарбияси билан астойдил шуғуллансалар.**

**Энг аввало ҳар бир ёш иш билан таъминланса. Қолаверса уларнинг ўқиши, турмуш шароити, дам олиш, оила қуриш каби масалалар борки, уларни ёшларнинг ўзлари ҳал қилишга қодир эмас. Биз ёшларга эътибор деганда мана шуни тушунайлик.**

**Эркин АБДУЛЛАЕВ,**
**Оққўрғон тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори.**

Милиция майори Раҳматжон Миртожиев... У ҳаёт бўлганда эди, ўзининг қирқ иккинчи баҳорини қаршилаётган бўларди. Афсуски, у бундай бахтга эриша олмади. Айни кучга тўлган, забардаст йигит жиноятчи ўқидан ҳалок бўлди. Унинг умр йўлдоши, 5 нафар фарзандлари, ҳамкасб дўстлари ва қадрдонлари ортидан кўз ёш тўкиб қолдилар. Энди унинг

## Номи абадийлаштирилди

"Постда" газетаси ўша вақтда бу ҳақда ҳикоя қилганди.

Р. Миртожиев 1970 йилларнинг бошидан то умрининг охиригача Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимида ишлади. У оддий инспекторликдан бўлинма бошлиғи лавозимигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломини олганида энди бир йил бўлаётганида шу мудҳиш ҳодиса рўй берганди...

Табиатан очиқ кўнгил, барча сафдошларига меҳрибон, ишчан, ҳаётини халқ осойишталиги, эл-юрт тинчлиги учун бахшида қилган инсон номини унутиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон тумани ҳокими туман ИИБни, Фарғона вилояти ИИБсининг илтимосини ҳисобга олди. Милиция майори Раҳматжон Миртожиев номини ўзи униб-ўсган жойи — Ўзбекистон туманининг Қайқубод қишлоғидаги 4-ўрта мактабга беришга қарор қилди.

Шу муносабат билан яқинда Р. Миртожиев номли мактабда катта йиғилиш бўлиб ўтди. Унга Раҳматжоннинг ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғлари, тенгқур дўстлари, сафдошлари, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Қ. Рўзматов, туман ҳокимининг ўринбосари М. Ҳакимова, туман ИИБ бошлиғи, милиция майори А. Жўраев ва бошқалар қатнашдилар. Унда Р. Миртожиев тўғрисида жуда яхши гаплар айтилди, марҳумга бағишланган шеърлар ўқилди. Раҳматжоннинг хизмат машинаси унинг оиласига ёдгорлик сифатида топширилди. Йиғилишдан сўнг милиция қаҳрамонининг қабристони, ўсиб-улғайган хонадони зиёрат қилинди.

Ҳа, инсон хотираси муқаддасдир. Ўтганларни яхши кунларда эсга олиб, руҳларини шод этиш эса биз, тирикларнинг бурчидир.

**Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ,**
**милиция майори.**

## *Ҳамма жойда бўлганидек*

Инсон доимо янгиликка, гўзалликка интилиб яшайди. Бу унинг табиий хусусиятларидан бири. Айниқса, унинг Янги йилга, Наврўзга бўлган иштиёқи ҳамма нарсадан устун бўлса керак. Ҳа, гарчи ҳар бир отаётган тонг унинг умр дафтаридан бир варағини йиртиб кетса ҳам, барибир, у Янги кунга талпиниб яшайверади...

Тошкентдаги вояга етмаганлар тарбия колониясининг барча катта-кичик жамоаси, маҳбуслари бу улуғ кунга аввалдан пухта тайёргарлик кўрдилар. Жумладан, муассаса ҳудудидаги йўлакларни текислаш, гулзорларнинг остини юмшатиш, дов-дарахтларга ишлов бериш ва гулларни кесиш сингари юмушлар кўтаринки руҳда амалга оширилди. Энг муҳими, табиатда бошланган жонланиш тарбияланувчилар қалбига кўчиб, уларнинг ўқиши ва меҳнатида ажиб бир фаоллик уйғотди: улар фан асосларини ва касб-ҳунар сирларини ўзгача бир ҳавас билан эгаллашга киришдилар. Улар дарсдан, ишдан сўнг байрамга атрофлича ҳозирлик кўра бошладилар. Шунданми, йил бошидан бери маҳбуслар томонидан ҳуқуқ-тартиботни қўпол бузиш ҳоллари қайд этилмади.

Ҳар йили ўтказиладиган анъанавий ота-оналар конференцияси бу йил бўлакча кайфиятда ўтди. Колония бошлиғи, ички хизмат подполковниги С. Саидҳосилов конференцияни очди. Конференцияга ташриф буюрган республика ИИВ Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Э. Икромов муассасанинг барча ходимларини қизғин табриклади. Сўнгра минбарга кўтарилган Т. Воронова ҳамда Е. Кожантоевлар тарбияланувчиларга барча ота-оналар номидан мурожаат этиб, уларни тўғри йўлни танлаб олишга ва тезроқ бағирларига қайтишга чорладилар.

Анжуманда ишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ходимлар пул мукофоти билан тақдирлангани маълум қилинди.

Анжуманнинг тантанали қисмида колония клуби мудираси Р. Тазетдинова, бадиий ҳаваскорлик дастаси раҳбари В. Хан ва мактаб ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида тайёрланган концерт программаси намойиш этилди. Наврўз билан боғлиқ ўйинлар, ифодали ўқилган шеърлар тўплангнларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, муассасага ташриф буюрган "Турон" ва "Семурғ" дасталарининг хонандалари ижро этган ўйноқи куйлар ва қиёмига етказиб айтган қўшиқлар тарбияланувчилар кўнглини янада яшнатиб юборди.

Наврўз шодиёнасининг, урф-одатларимизга бўлган эътиборнинг жазо ўташ жойларига ҳам дадил кириб келаётгани қувончли ҳолдир. Аслида бундай масканларда ўтадиган ҳар бир байрам, ҳар бир тантанали йиғин улкан тарбия воситаси ҳамдир. Зеро, улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний айтганларидек, насиҳат билан одобли қилиш мумкин бўлган кишига қамчин ва қилич даркор эмас.

Тарбия масканларимизда ҳали Наврўз тантаналари узоқ давом этади.

**К. ҚЎЧҚОРОВ,**
**Тошкент тарбия колонияси ўқитувчиси.**

## Ёрдам

Яқинда Ўзбекистон Республикаси "Наврўз" хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Дадахон Ёқубов, "СЭВИЖ" тижорат фирмасининг бош директори Сирожиддин Эгамбердиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат автомобиль назорати Бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган, шу Бошқарма йўл-патруль хизмати бўлимининг катта нозири, милиция катта лейтенанти Абдусаттор Турбоновнинг хонадонига ташриф буюрдилар. Унинг онаси ва оила аъзоларига яна бир бор ўз ҳамдардликларини изҳор қилиб, А. Турбоновнинг порлоқ хотираси ҳамкасблари қалбида мангу яшашини таъкидладилар.

"Наврўз" хайрия жамғармаси раиси Д. Ёқубов А.Турбоновнинг онаси, 1928 йилда туғилган Сапура ая Таубақуловага "Наврўз" хайрия жамғармасининг "Меҳрибонлик" мукофоти (юз минг сўм пул), аёллар жемпери, рафиқаси Умида Турбоновага аёллар жемпери, фарзандлари Абдувоҳид ва Беҳзодларга болалар жемпери, шунингдек Фахрий Ёрлиқларни топширди.

"СЭВИЖ" тижорат фирмаси бош директори Сирожиддин Эгамбердиев эса А. Турбонов оиласига озиқ-овқат маҳсулотлари (бир қоп ун, бир қоп гуруч, 5 килограмм чой), шунингдек болалар жемперлари ҳамда 25000 сўм пул топширди.

**Мансур РИХСИЕВ,**
**ИИВ ДАНБ ходими.**

* * *

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти марҳум ходимларнинг оила аъзоларини унутишмади. Улар вилоятда яшовчи 90 та боқувчисини йўқотган оилаларга 227 минг сўм миқдорда пул ажратишди.

Айтиш лозимки, ички ишлар идоралари фақат шу билангина чекланиб қолишгани йўқ. Ҳар бир туман ИИБлари ҳам мана шундай оилаларга маблағ ажратишмоқда.

**М. НАВРЎЗАЛИЕВ.**

## Эргаш АБДУМАЛИКОВ



Бевақт ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст ва қадрдон ҳамкасбимиз милиция подполковниги Эргаш Абдумаликовни орамиздан олиб кетди.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини ички ишлар идораларида хизматга бағишлаган Э. Абдумаликов хизматни 1976 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилояти Калинин тумани ички ишлар бўлимида участка вакили лавозимидан бошлаб, жиноят-қидирув бўлинмасининг нозири, катта нозири лавозимларида ишлаб, тажриба орттирди, обрў-эътибор қозонди.

У 1983 йилдан Тошкент тумани ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда Эргаш Абдумаликов жиноятчиликка қарши кураш борасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиб, ўзининг қўрқмас, ботир ва шерюрак йигит эканлигини намоён этди, милиция хизматида чиниқди. 1985 йилдан Бекобод тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1990 йилдан эса Бўка туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Э. Абдумаликовнинг ички ишлардаги ва тезкор-қидирув хизмат йўналиши бўйича бой тажрибаси инобатга олиниб, яқинда бошқарманинг милиция қидирув хизмати — жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинланган эди.

Эргаш Абдумаликовнинг фидокорона хизмати ҳукуматнинг медаллари, вазирлик ва бошқарманинг кўплаб рағбатномалари билан тақдирланган эди.

Биз ҳамкасбимизнинг оила аъзоларига сабр-бардош тилаймиз. Қалбларимиз тўла изтироб билан ҳамдардлик билдирамиз.

**Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

## Маҳаматюсуп ТУРСУНОВ



Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБнинг Давлат автомобиль назорати бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Маҳаматюсуп Турсуновдан 45 ёшида жудо бўлдик.

М. Турсунов 1948 йил Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани Ангара қишлоқ Кенгашида таваллуд топган. 1972 йилдан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль назорати бўлими 1-бўлинмасининг катта нозири лавозимидан хизматни бошлади. 1979 йилдан Бекобод шаҳар ИИБ ДАН бўлимининг катта нозири, 1981 йилдан Бўка ИИБ Давлат автомобиль назорати бўлинмаси катта нозири, 1990 йилдан эса шу бўлим ДАН бўлинмасининг бошлиғи лавозимларида ишлаб келди.

У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ҳамма топшириқларни сидқидилдан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда бажариб, хизматдошларига ўрнак кўрсатадиган раҳбар эди. Унинг келажак ҳақидаги ширин орзу-хаёллари бизга хотира, онаси ва фарзандлари қалбида армон, эзгулик ва инсонийлик тимсоли бўлиб қолади.

Маҳаматюсуп ТУРСУНОВНИНГ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади. Унинг оила аъзоларига сабр-бардош тилаб, чуқур қайғумизни изҳор этамиз.

**Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА



Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ва қариндошлари томонидан 1958 йилда туғилган Эргашбой Мингбоев қидирилмоқда.

У шу йилнинг 28 март куни уйидан машинасида чиқиб кетган ва қайтмаган.

Белгилари: бўйи 170 см. атрофида, тўладан келган, тез-тез гапиради.

Уст-боши: эгнида кулранг костюм-шим, оёғида калиш бўлган.

Автомашина белгилари: "ВАЗ-21063", давлат рақами В 86-98 СИ, оч яшил рангли, орқа ойнаси қорайтирилган.

Э. Мингбоев ҳақида бирон-бир нарса билганлардан энг яқин милиция бўлимига "02" рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



Қибрай тумани ички ишлар бўлими ва қариндошлари томонидан 1963 йилда туғилган Шукуржон Собирович Умаров қидирилмоқда.

У шу йилнинг 12 февраль куни соат тўртларда уйидагиларига тўйга кетаётганлигини билдириб, чиқиб кетганича, қайтмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., ўртача қоматли, сочи қора, текис, қошлари қора, мўйлови бор.

Уст-боши: эгнида, енгида қора чизиқлари бўлган оч жигарранг курткаси, оқ рангли кўйлаги, оқ рангли майкаси, қора рангдаги шими, оёғида оч жигарранг туфлиси ва жигарранг пайпоғи бўлган.

Асосий белгилари: чап оёғининг товон қисмида ит тишлагандан қолган 0,5 см.ли тиртиқ, чап қўлининг тирсагида 0,6 см. ли шиш бор. Қон гуруҳи — 3.

Ш. Умаровнинг кейинги тақдиридан хабардор бўлганлардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига "02" рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

## ЭЪЛОН

1987 йилда Тошкент Савдо техникуми томонидан Ҳасан Фазлиддинович Пўлатов номига берилган КТ 858456 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

***

1989 йилда Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти томонидан Маъмур Маҳмудович Орифжонов номига берилган ФВ 924368 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли;

***

1992 йилда Тошкент шаҳар 8-ҳунар-техника билим юрти томонидан Рустам Ёқубжонович Каримов номига берилган Е 043825 рақамли диплом ва аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 191, 34.449 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

**Обуна рақами — 64615.**

**Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

1, 2, 3, 4, 5, 6.